

ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИНИ ОЛИБ ҚОЧИШ ВА ЭГАЛЛАШ ЖИНОЯТИНИНГ ТУШУНЧАСИ ВА КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ АЙРИМ ЖИХАТЛАРИ

ИИВ Академияси мустақил изланувчиси

А.А. Адашбаев

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси жиноят кодекси 267-моддасида назарда тутилган транспорт воситасини олиб қочиш жинояти тушунчасининг мазмун мохияти ва транспорт воситасини қонунга ҳилоф равишда эгаллаш юзасидан таклиф тавфсиялар берилган.

Калит сўзлар: Транспорт воситасини олиб қочиш, эгаллаш, қонунга ҳилоф равишда эгаллаш, транспорт воситасини талон-торож қилиш.

Жиноят қонунчилигида транспорт воситасини олиб қочиш шак-шубъҳасиз, ижтимоий ҳавфли ҳаракат ҳисобланади. Қонунга мувофиқ у транспорт воситасини эгаллаш шаклига эга бўлиши керак. Бу эса ўз нвабатида ноқонуний ва қонуний эгаллаш каби шакилларга бўлинади.

Ўзбекистон Республикаси олий суди пленумининг 20.12.1996 йилдаги 37-сонли қарорининг 1-бандида “ЖК 267-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ транспорт воситасини олиб қочиш деганда, ўзганинг транспорт воситасини талон-торож қилиш мақсадисиз бир жойдан бошқа жойга кўчириш тушунилиши лозим.”¹ Деб таъриф берилган. Таърифда ўзганинг транспорт воситасини жумласи келтирилган бўлиб ушбу жумлани талқинида транспорт воситаси ўзга шахсга тегиш бўлиши ва уни эгаллаш транспорт воситаси эгасининг эркига ҳилоф равиш амалга оширилишини тушунишимиз мумкин.

Биз ЖК 267-моддасида қандай ҳаракатлар назарда тутилганлигини аниқлашимиз лозим деб ҳисоблаймиз. Ва бу борада олимларнинг фикрини ўрганганимизда улар ўз фикрларини қуйдагича баён қилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси олий суди пленумининг 20.12.1996 йилдаги 37-сонли қарорининг 1-банди

А.И.Коробеевнинг фикрига кўра транспорт воситасини олиб қочиш жиноятининг объектив томони ўзида ҳаракатлар мажмуи ҳисобланган ўзаро боғлиқ бўлган иккита ҳаракатнинг комбинациясини ташкил қилишни улардан биринчиси, транспорт воситасини руҳсатсиз ноқонуний эгаллаш ва иккинчиси ушбу транспорт воситасида ҳаракатланиш деб таъриф берган².

А.А.Шербаков транспорт воситасини олиб қочиш жиноятининг объектив томони, айбдор шахс томондан ўзига тегишли бўлмаган транспорт воситасини эгаллаб олиши ва борлиқда ҳар қандай усуллар билан бир жойдан иккинчи жойга кўчиришдаги ҳаракатларда ифодаланади³ деган фикрни илгари сурган.

Н.А.Лопашенконинг фикрига кўра транспорт воситасини олиб қочиш транспорт воситасини бошқарувчиси ёки қонуний эгасининг эркига ҳилоф равишда вақтинча фойдаланиш учун олиб қўйиш ёки унга эгалик қилиш ҳисобланиб, транспорт воситаси ҳаракатланган вақтдан бошлаб жиноят тугалланган ҳисобланади⁴.

Биз А.А.Шербаков, Н.А.Лопашенколарнинг фикрига қисмиан қўшиламыз. Мазкур олимлар томонидан берган таърифларида транспорт воситасини олиб қочиш тушунчаси тўлиқ камраб олинмаган.

Б.А.Куринов транспорт воситасини олиб қочиш, ўзга шахснинг механик транспорт воситасида ҳаракатланиш йўли орқали уни ноқонуний эгаллаб олиш тушунилади⁵ деб таъриф берган.

Фикримизча Б.А.Куриновнинг юқоридаги таърифи транспорт воситасини олиб қочиш жиноятининг тушунчасига тўлиқ мос эмас. Чунки транспорт воситасини олиб

² Коробеев А.И. Транспортные преступления. С. 201.

³ Шербаков А.А. Неправомерное завладение автомобилем или иным транспортным средством как преступление против собственности: (законодательство, юридическая характеристика, квалификация). С. 17. См. также: Энциклопедия уголовного права. Т. 18. С. 825.

⁴ Лопашенко Н.А. Преступления против собственности: теоретико-прикладной анализ. С. 391–392, 393.

⁵ Куринов Б.А. Автотранспортные преступления (квалификация и наказание). М., 1970. С. 152. Данная позиция и сейчас находит своих сторонников (см., например: Гарбатович Д. Цель угона // Уголовное право. 2014. № 3. С. 32).

қочишда аввал ушбу транспорт эгалланиб, сўнг мазкур транспорт воситасида ҳаракатланиш лозим. Шунингденк транспорт воситасини олиб қочиш вақтида ҳар доим ҳам ушбу транспорт воситасида ҳаракатланиш амалга оширилмайди.

Е.Нагаев транспорт воситасини олиб қочиш, ўзга шахснинг автомобили ёки бошқа транспорт воситасини турган жойидан, двигател ёрдамсиз бошқа жойга олиб кетилишида ифодаланиши тўғрисидаги фикирни илгари сурган⁶.

Е.Нагаевнинг юқоридаги фикрига қисман қўшиламыз. Чунки у томонидан берилган таъриф транспорт воситасини олиб қочиш жиноятини тўлиқ қамраб олмаган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси олий суди пленумининг 20.12.1996 йилдаги 37-сонли қарорининг 2-банди⁷да двигател билан жиҳозланган транспорт воситалари санаб ўтилган ва шундан келиб чиққан ҳолда двигател билан жиҳозланмаган транспорт воситаларини олиб қочиш ЖК 267-моддаси таркибини келтириб чиқармайди.

Шу билан бирга шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, транспорт воситаси бошқа транспорт воситасига шатакка олиб, одам ёки ҳайвон кучидан фойдаланиб итариб кетилганда ёки эвакуатор ёрдамида олиб кетилиши ҳам транспорт воситасини олиб қочиш ҳисобланади ва шундай вазиятларда олиб қочилган транспорт воситаси двигател билан жиҳозланган бўлиши лозим.

Транспорт воситасини олиб қочиш вақтида транспорт воситаси эгасининг ушбу мулкни тасарруф этиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини бузилишини кўришимиз мумкин. Шу ўринда биз транспорт воситасини олиб қочишда, ушбу транспорт воситасини “эгаллаш” ва “олиб қочиш” ҳаракатларини ажратиб олишимиз мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Н.В.Лаптева транспорт воситасини эгаллаш ва олиб қочиш бир маънога эга эмаслигини, эгаллаш транспорт воситасини олиб қочмасдан ҳам амалга оширилиши мумкинлигини, олиб қочиш эса ушбу транспорт воситасига қонуний эгалик

⁶ Нагаев Е. Угон и кража автотранспорта: вопросы разграничения составов преступлений // Российская юстиция. 2000. № 8. С. 44.

⁷ Ўзбекистон Республикаси олий суди пленумининг 20.12.1996 йилдаги 37-сонли қарорининг 2-банди

қилмасдан туриб ҳам амалга оширилиши мумкинлигини, олиб қочиш айбдор шахсинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилишини масалан бир жойдан иккинчи жойга етиб олиш, у ерга бориш, етказиб бериш, ташиш ва бошқа ҳаракатларда ифодаланишини шунингдек олиб қочиш – бу автотранспорт воситасига вақтинча жисмоний егалик қилиш ёки ҳаракатланиш учун ушбу транспорт воситасини назоратга олиш. Эгаллаш – бу автотранспорт воситасига вақтинча жисмоний егалик қилиш ёки ушбу транспорт воситаси устидан назоратни амалга ошириш⁸ деган фикрни илгари сурган.

Ю.С.Белик транспорт воситасини талон-торож қилиш мақсадисиз олиб қочиш бу – транспорт воситасини қонунга ҳилоф равишда эгаллаш ва ушбу транспорт воситасида ҳаракатни амалга ошириш ёки ҳар қанақанги усулда ушбу транспорт воситасини бир жойдан иккинчи жойга кўчириш тушунилишини, ноқонуний эгаллаш эса бу – транспорт воситасини талон-торож қилиш мақсадисиз ушбу транспорт воситасига кириш ва уни вақтича фойдаланиш востасига айтантириш тушунилиши тўғрисидаги фикрни илгари сурган.

Биз Н.В.Лаптева Ю.С.Беликларнинг транспорт воситасини олиб қочиш ва эгаллаш бўйича келтирган фикрларига қўшиламыз. Чунки улар ўзлари берган таърифларида транспорт воситасини олиб қочиш, объектив томонлама эгаллаб олиш ва олиб қочиш ҳаракатлари орқали амалга оширилишини таъкидлаб ўтмоқда.

М.ХРустамбаевнинг фикрига кўра олиб қочиш – транспорт воситаларини қонунга ҳилоф равишда, эгаларига билдирмай эгаллаб олиш ва бошқа жойга етказишдан иборат бўлади. деб ўз фикрини қуйдагича давом эттирмоқда;

Олиб қочиш субъект ҳаракатларининг ўзбошимчалиги, қонунга ҳилофлигини назарда тутлади. Олиб қочиш деганда, ўзига тегишли бўлмаган транспорт воситасини ўзлаштириш мақсадисиз уни турган жойидан бошқа жойга олиб қочишни тушуниш кераклигини таъкидлаган.⁹

⁸ Лаптева Н.В. Иные корыстные преступления против собственности, не связанные с хищением. С. 16.

⁹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм/М. Рустамбаев. - Тошкент: «Yuridik adabiyotlar publish», 2021. - 503 б.

Биз М.Х.Рустамбаевнинг юқордаги фикрига тўлиқ қўшиламыз. ЖК 267-моддаси диспозитциясида келтирилган транспорт воситасини “олиб қочиш” деганда айбдорнинг ўзига тегишли бўлмаган транспорт воситасини турган жойидан бошқа жойга олиб қочилишида ифодаланиши, Ўзбекистон Республикаси олий суди пленумининг 20.12.1996 йилдаги “Транспорт воситаларини олиб қочиш ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 37-сонли қарорининг 1-бандида ЖК 267-моддасининг [биринчи қисмига](#) мувофиқ транспорт воситаларини олиб қочиш деганда, ўзганинг транспорт воситасини талон-торож қилиш мақсадисиз бир жойдан бошқа жойга кўчириш тушунилиши лозимлиги¹⁰ келтириб ўтилган. Ва бу М.Х.Рустамбаевнинг транспорт воситасини олиб қочиш бўйича билдирган фикрини яққол далили эканлигини кўришимиз мумкин.

Юқорида М.Х.Рустамбаев олиб қочиш деганда транспорт воситаларини конунга хилоф равишда, эгаларига билдирмай эгаллаб олиш ва бошқа жойга етказишдан иборат бўлади деган фикирни илгари сурган, аммо ЖК 267-моддасининг иккинчи қисми “в” банди *зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб*; “г” банди *транспорт воситасини талон-торож қилиш мақсадида ўғрилик (ўғирликдан ташқари) ёки талончилик йўли билан содир этилган бўлса* шунингдек учинчи қисми “в” банди *транспорт воситасини талон-торож қилиш мақсадида босқинчилик йўли билан содир этилган бўлса*, бандларида назарда тутилган ҳолларда транспорт воситасининг эгаси ёки ушбу транспорт воситасидан вақтинча фойдаланаётган шахснинг иштироки мажбурий белги ҳисобланади.

Бу жиҳатдан биз М.Х. Рустамбаевнинг юқоридаги олиб қочиш учун берган таърифига тўлиқ қўшила олмаймиз. Шунингдек М.Х.Рустамбаев олиб қочишга беган таърифини давом эттириб, “олиб қочиш деганда, ўзига тегишли бўлмаган *транспорт воситасини ўзлаштириш мақсадисиз* уни турган жойидан бошқа жойга олиб қочишни тушуниш керак”лигини таъкидлаган.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси олий суди пленумининг 20.12.1996 йилдаги 37-сонли қарорининг 1-банди

ЖК 267-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида транспорт воситасини талон-торож қилиш мақсадида олиб қочиш учун жавобгарлик белгаланганлигини инобатга оладиган бўлсак бу жиҳатдан ҳам биз М.Х.Рустамбаевнинг ушбу фикрига тўлиқ қўшила олмаймиз. М.Х.Рустамбаев мазкур таърифи учун Ўзбекистон Республикаси олий суди пленумининг 20.12.1996 йилдаги “Транспорт воситаларини олиб қочиш ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 37-сонли қарорининг 1-бандига ихтибос бериб ўтган ва ўз фикрини ушбу қарор билан асослаган.

Фикримизча юқорида келтирилган Олий суд пленуми қарорида транспорт воситасини олиб қочиш учун алоҳида таъриф берилмаган. Мазкур қарорнинг 1-бандидаги олиб қочиш тушунчаси ЖК 267-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган ҳаракатлар учун берилганлигини алоҳида кўрсатиб қўймоқда. Аммо ЖК 267-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида транспорт воситасини талон-торож қилиш мақсадини кўзлаб олиб қочиш учун жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, ушбу ҳаракатлардаги олиб қочиш тушунчаси мавҳум бўлиб қолмоқда.

Шу сабабли юқоридаги каби тушунмовчиликларни бартараф этиш мақсадида ушбу Олий суд пленумига транспорт воситасини олиб қочиш тушунчасини киртиш лозим деб ҳисоблаймиз ва ушбу юзасидан биз ўзимизнинг қуйдаги таърифимизни бермоқдамиз:

Транспорт воситасини олиб қочиш – *транспорт воситасини қонунга ҳилоф равишда эгаллаш ва ушбу транспорт воситасини ҳар қанақанги усулда бир жойдан иккинчи жойга кўчириш тушунилади.*

Транспорт воситаси қонунга ҳилоф равишда эгаллаб олингач ҳар доим ҳам эгаллаган шахс томонидан олиб қочиш (хайдаш) ҳаракатлари амалга оширилмайди. Масалан транспорт воситасини талон-торож қилиш мақсадида жабрланувчининг ҳаёт ва соғлиғи учун ҳавfli бўлган зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб жабрланувчини транспорт воситасин белгиланган жойга бошқариб бориши учун мажбурлаган бўлса, айбдор шахснинг ҳаракатлари ЖК 267-моддаси учинчи қисми “в” банди, транспорт воситасини талон-торож қилиш мақсадида

босқинчилик йўли билан содир этилган бўлса¹¹, билан квалификация қилинади. Айнан шу ҳолат жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига ҳавфли бўлмаган зўрлик ишлатиб ёки шундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб содир этилганда қилмиш ЖК 267-моддаси иккинчи қисми “г” банди, транспорт воситасини талон-торож қилиш мақсадида ўғрилик (ўғирлик бундан мустасно) ёки талончилик йўли билан содир этилган бўлса¹², банди билан квалификация қилиш мақсадга мувофиқ. Юқоридаги вазиятда айбдор шахсида транспорт воситасини бошқаришда ифодаланган ҳаракатлар амалга оширилмапти яни бу вазиятда транспорт воситаси айбдор томонидан эгалланмоқда бошқариш ҳаракати эса жабрланувчи томондан амалга оширилмоқда.

Лекин айбдор шахс транспорт воситасини талон-торож қилиш мақсадисиз бир жойдан иккинчи жойга етиб олиш учун транспорт воситаси жабрланувчининг бошқарувида бўлган ҳолда ҳаёт ва соғлиғи учун ҳавфли бўлган ва ҳавфли бўлмаган зўрлик ишлатиш ва шундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитганда айбдор шахснинг ҳаракатларини ЖК 267-моддаси билан квалификация қилиш масаласи баҳсли ҳисобланади.

Тадқиқотимиз давомида Суд тергов ҳужжатлари ўраганганимизда, айбдор шахсининг мақсади транспорт воситасини олиб қочишга қаратилмаган бўлса шахснинг ҳаракатларини ЖК 112-моддаси Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш¹³ сифатида квалификация қилинмоқда.

Фикримизча бундай вазиятларда айбдор шахснинг ҳаракатларини ЖК 112-моддаси билан квалификация қилиш нотўғри деб ҳисоблаймиз ва айбдор шахснинг мақсади бир жойдан иккинчи жойга етиб олиш, олиб бориш, ва боқа шу каби

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 267-модда <https://lex.uz/docs/111453> мурожат қилинган сана 14.02.2024 йил.

¹² Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 267-модда <https://lex.uz/docs/111453> мурожат қилинган сана 14.02.2024 йил.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 267-модда <https://lex.uz/docs/111453> мурожат қилинган сана 14.02.2024 йил.

ҳаракатлар мавжуд бўлганда унинг ҳаракатларини транспорт воситасини эгаллаш сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Лекин ЖК 267-моддасида транспорт воситасини эгаллаб олиш учун жавобгарлик белгиланмаган, ваҳоланки транспорт воситасини олиб қочиш ҳар доим эгаллаб олишдан сўнг амалга оширилади ва биз транспорт воситасини эгаллаб олиш ҳам ЖК 267-моддаси билан квалификация қилиниши лозим деб ҳисоблаймиз.

Ш.Ё.Абдуқодиров ва У.М.Мирзаевланинг фикрига кўра эгаллаб олиш деганда, зўрлик ишлатиб ёки бундай зўрлик ишлатмасдан мулкдор ёки мулкнинг бошқа эгасининг ихтиёрида бўлган мулкдан муайян бир қисмини ажратиб олиш тушунилади¹⁴.

Биз Ш.Ё.Абдуқодиров ва У.М. Мирзаевланинг юқоридаги фикрларига қўшилган ҳолда мулкни эгаллаб олиш ҳаракатлари зўрлик ишлатиб, зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб ёки зўрлик ишлатмасдан мулкдор ёки мулкнинг бошқа эгасининг ихтиёрида бўлган мулкни тўлиқ ёхуд муайян бир қисмини олиш тушунилади деб ҳисоблаймиз.

Ушбу масалада хорижий давлатлар жиноят қонунчилиги ўрганилганда, Россия Федерацияси ЖК 166-моддаси “Автомобил ёки бошқа транспорт воситасини талон-торож қилиш мақсадисиз, қонунга ҳилоф равишда эгаллаш, (олиб қочиш)”¹⁵, Қозоғистон Республикаси жиноят кодекси 200-моддаси “автомобил ёки бошқа транспорт воситасини талон-торож қилиш мақсадисиз қонунга ҳилоф равишда эгаллаш (олиб қочиш)”¹⁶, Қирғизистон Республикаси Жиноят кодекси 211-моддаси “автомобил транспорт воситасини олиб қочиш (модда диспозициясида автомобил ёки бошқа автотранспорт талон-торож қилиш мақсадисиз қонунга ҳилоф равишда

¹⁴ Абдуқодиров Ш.Ё., Мирзаев У.М. Ўзгалар мулкни талон-торож қилиш. Ўқув қўлланма. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. Қ.Абдурасулова. – Т.: ТДЮИ, 2011. – 168 бет.

¹⁵ Россия Федерацияси Жиноят кодекси 166-модда https://continent-online.com/Document/?doc_id=30397073#pos=1677;-28 (манбаага мурожаат қилинган сана 19.02.2024 йил)

¹⁶Қозоғистон Республикаси жиноят кодекси 200-модда https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31575252&pos=3141;-28#pos=3141;-28&sdoc_params=text (манбаага мурожаат қилинган сана 19.02.2024 йил.)

эгаллаш, транспорт воситасини олиб қочиш) учун жавобгарлик белгиланган”¹⁷, Беларусия Республикаси жиноят кодекси 214-модда “Автотранспорт воситасини ёки кичик ҳажимли кемани олиб қочиш” (модда диспазициясида қонунга ҳилоф равишда транспорт воситаси ёки кичик ҳажимли кемани талон-торож қилиш мақсадисиз эгаллаш, унда ҳаракатланиш ва олиб қочиш ҳаракатлари учун жавобгарлик белгиланган.)¹⁸, Украина Республикаси Жиноят кодекси 289-модда “Транспорт воситасини ноқонуний эгаллаш”¹⁹ учун жавобгарлик белгиланган бўлиб ушбу мамлакатларнинг бачасида транспорт воситасини эгаллаш учун жавобгарлик мавжуд ва эгаллаб олиш ҳаракатлари моддада тўғридан тўғри кўрсатиб қўйилган. Бу эса ўз навбатида қилмишни тўлиқ ва тўғри квалификация қилинишини таъминлаб беради.

Шунингдек Россия Федерациясининг 2008 йил 9 декабрдаги 25-сонли Йўл ҳаракат ҳавфсизлиги қоидаларини бузишга ва транспорт воситаларини олиб қочиш, шунингдек уларни талон-торож қилиш мақсадисиз эгаллаш бўйича Олий суд пленуми қарори 23-бандининг 4-хатбошисида, транспорт воситасини талон-торож қилиш мақсадисиз қонунга ҳилоф равишда эгаллаш учун таъриф берилган бўлиб, унга кўра транспорт воситасини эгаллаш мазкур транспорт воситасининг эгасининг ёки бошқарувчи шахсининг бошқарувида ҳам амлага оширилиши мумкинлигини, ҳайдовчига нисбатан зўрлик ишлатиб ёки шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этилса, бундай ҳолда, кўрсатилган шахс транспорт воситасини ўз хоҳишига кўра тасарруф этиш имкониятидан маҳрум бўлади.²⁰ деб кўрсатилган.

¹⁷ Қирғизистон Республикаси Жиноят кодекси 211-модда https://continentonline.com/Document/?doc_id=36675065#pos=2158;-54&sdoc_params=text (манбаага мурожаат қилинган сана 19.02.2024. йил)

¹⁸ Беларусия Республикаси жиноят кодекси 214-моддаси <https://continent-online.com> (манбаага мурожаат қилинган сана 19.02.2024. йил)

¹⁹ Украина республикаси Жиноят кодекси 289-модда <https://kkuua.ru/ru/st-289> (манбаага мурожаат қилинган вақт 19.02.2024 йил)

²⁰ Россия Федерациясининг 2008 йил 9 декабрдаги 25-сонли “Йўл ҳаракат ҳавфсизлиги қоидаларини бузишга ва транспорт воситаларини олиб қочиш, шунингдек уларни талон-торож қилиш мақсадисиз эгаллаш” бўйича Олий суд

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида транспорт воситасини эгаллаш ва олиб қочиш учун жавобгарлик ЖК 264-моддасида келтириб ўтилган унга кўра “Темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркибини, ҳаво, денгиз ёки дарё кемасини олиб қочиш ёки эгаллаб олиш”²¹ учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, ушбу транспорт воситаларини нафақат олиб қочиш балки эгаллаб олиниш ҳам жиноят сифатида баҳоланмоқда.

Фикримизча ЖК 267-моддаси предмети ҳисобланган транспорт воситаларини эгаллаб, олиб қочиш ҳаракатларини ҳам ЖК 267-моддаси билан квалификация қилиш лозим.

Шу сабабли биз ЖК 267-моддаси диспозициясини ўзгартиш бўйича ўзимизнинг қуйдаги таклифимизни бермоқдамиз:

“Транспорт воситасини қонунга ҳилоф равишда эгаллаш ёки олиб қочиш” Ушбу орқали биз транспорт воситаси нафақат олиб қочиш ҳаракати орқали амалга оширилиши, балки эгаллаш орқали ҳам содир этилиши учун жавобгарликни жиноят кодекси билан мустаҳкамлаб қўймоқдамиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси олий суди пленумининг 20.12.1996 йилдаги 37-сонли қарорининг 1-банди
2. Коробеев А.И. Транспортные преступления. С. 201.
3. Щербаков А.А. Неправомерное завладение автомобилем или иным транспортным средством как преступление против собственности: (законодательство, юридическая характеристика, квалификация). С. 17. См. также: Энциклопедия уголовного права. Т. 18. С. 825.

пленуми қарори 23-бандининг 4-ҳатбоҳиси https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_82656/ мурожаат қилинган сана 19.02.2024 йил

²¹ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 264-модда <https://lex.uz/docs/111453> манбаага [мурожаат қилинган сана 19.02.2024](#) йил.

4. Лопашенко Н.А. Преступления против собственности: теоретико-прикладной анализ. С. 391–392, 393.
5. Куринов Б.А. Автотранспортные преступления (квалификация и наказание). М., 1970. С. 152. Данная позиция и сейчас находит своих сторонников (см., например: Гарбатович Д. Цель угона // Уголовное право. 2014. № 3. С. 32).
6. Нагаев Е. Угон и кража автотранспорта: вопросы разграничения составов преступлений // Российская юстиция. 2000. № 8. С. 44.
7. Ўзбекистон Республикаси олий суди пленумининг 20.12.1996 йилдаги 37-сонли қарорининг 2-банди
8. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм/М. Рустамбаев. - Тошкент: «Yuridik adabiyotlar publish», 2021. - 503 б.
9. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 267-модда <https://lex.uz/docs/111453> [мурожаат қилинган сана 14.02.2024](#) йил.
10. Абдуқодиров Ш.Ё., Мирзаев У.М. Ўзгалар мулкани талон-тороғ қилиш. Ўқув қўлланма. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. Қ.Абдурасулова. – Т.: ТДЮИ, 2011. – 168 бет.
11. Россия Федерацияси Жиноят кодекси 166-модда https://continent-online.com/Document/?doc_id=30397073#pos=1677;-28 (манбаага мурожаат қилинган сана 19.02.2024 йил)
12. Қозоғистон Республикаси жиноят кодекси 200-модда https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31575252&pos=3141;-28#pos=3141;-28&sdoc_params=text (манбаага мурожаат қилинган сана 19.02.2024 йил.)
13. Қирғизистон Республикаси Жиноят кодекси 211-модда https://continent-online.com/Document/?doc_id=36675065#pos=2158;-54&sdoc_params=text (манбаага мурожаат қилинган сана 19.02.2024. йил)
14. Беларусия Республикаси жиноят кодекси 214-моддаси <https://continent-online.com> (манбаага мурожаат қилинган сана 19.02.2024. йил)

15. Украина республикаси Жиноят кодекси 289-модда <https://kkuua.ru/ru/st-289>
(манбаага мурожаат қилинган вақт 19.02.2024 йил)

16. Россия Федерациясининг 2008 йил 9 декабрдаги 25-сонли “Йўл ҳаракат ҳавфсизлиги қоидаларини бузишга ва транспорт воситаларини олиб қочиш, шунингдек уларни талон-торож қилиш мақсадисиз эгаллаш” бўйича Олий суд пленуми қарори 23-бандининг 4-ҳатбошиси https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_82656/ мурожаат қилинган сана 19.02.2024 йил